

**ТАСАВВУФ ВАКИЛЛАРИ НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТОШКЕНТ  
ЗИЁРАТГОҲЛАРИ**

**Абдулакимова Нодира Болтаевна**  
**Шеробод туман 3 мактаб тарих фани ўқитувчиси**

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада Марказий Осиё аҳолиси ҳаётида диний тасаввурларнинг бой, хилма-хил бўлганлиги, бу маданий ёдгорликлар мисолида акс этиши, минтақага Ислом дини кириб келгач маҳаллий анъаналар" Ислом маданияти" билан уйғунлашиб, янги тизим шаклланганлиги ёритилган. Тошкент воҳасидан ислом илми ривожига улкан ҳисса қўшган тасаввуф вакиллари етишиб чиқганлиги, улар ҳоқиқат ётган меъморий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳлар ўрта асрларда аҳоли учун маънавият маскани бўлганлиги, бу обидалар XIV-XVI асрларда ислом меъморчилигининг ўзига хос ноёб намунаси бўлиб, ҳозирги кунда ушбу зиёратгоҳларга маҳаллий ва хорижий туристларни жалб қилиш мамлакатимиз иқтисодиётига катта ҳисса қўшиши ҳақида илмий фикр ва мулоҳазалар илгари сурилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Ислом, ёдгорлик, архитектура, объект, зиёратгоҳ, тасаввуф, аллома, авлиё, анъана, тарих, маданият, маънавият,услуг, усул, меъморчилик, мозаика, миолика, безак, музей, санъат, туризм.

**АННОТАЦИЯ:** В статье освещается богатство и разнообразие религиозных представлений в жизни народов Средней Азии, отраженных на примере этих культурных памятников, и формирование новой системы, когда локальные традиции сливались с «исламской культурой» после вхождения ислама в регион. Появление мистиков Ташкентского оазиса, внесших большой вклад в развитие исламской науки, архитектурные памятники и святыни, где они находились, были духовной обителью для населения в средние века. Эти памятники являются уникальным образцом исламской архитектуры XIV-XVI веков. В настоящее время выдвинуты научные мнения и комментарии о том, что привлечение местных и иностранных туристов к этим святыням внесет значительный вклад в экономику нашей страны.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Ислам, памятник, архитектура, объект, святыня, мистика, ученый, святой, традиция, история, культура, духовность, стиль, метод, архитектура, мозаика, майолика, украшение, музей, искусство, туризм.

**ABSTRACT:** The article highlights the richness and diversity of religious ideas in the life of the peoples of Central Asia, reflected in the example of these cultural monuments, and the formation of a new system, when local traditions merged with "Islamic culture" after the entry of Islam into the region. The appearance of the mystics of the Tashkent oasis, who made a great contribution to the development of Islamic science, architectural monuments and shrines, where they were located, were a spiritual abode for the population in the Middle Ages. These monuments are a unique example of Islamic architecture of the XIV-XVI centuries. At present, scientific opinions and comments have been put forward that attracting local and foreign tourists to these shrines will make a significant contribution to the economy of our country.

**KEYWORDS:** Islam, monument, architecture, object, shrine, mysticism, scholar, saint, tradition, history, culture, spirituality, style, method, architecture, mosaic, majolica, decoration, museum, art, tourism.

Марказий Осиёда маданияй ёдгорликлар шу ерлик аҳоли ҳаётида диний тасаввурларнинг бой ва хилма-хил бўлганлигидан далолат беради. Бундай ранг-барангликнинг вужудга келиши асрлар давомида маҳаллий аҳолининг касб машғулотлари, давр ўзгаришлари, халқнинг кўчиши, турли халқ эътиқодларининг маҳаллий анъаналар билан трансформацияга учраши янги тизимнинг шаклланишига сабаб бўлган. Минтақага ислом дини кириб келгач, маҳаллий анъана ва қадриятлар "Ислом маданияти" билан уйғунлашган [1, 73-76].

IX-XII асрларда Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжукийлар даврида аллома ва авлиёлар қабрлари устига марказий хонаси гумбазсимон услубда мақбаралар қурилган бўлса, кейинчалик мақбара атрофида масжид, азон айтадиган минора, сувдан фойдаланиш учун ховуз, таҳоратхона, баъзи жойларда тасаввуф вакилларининг чилла сақлаши, ибодат қилиши учун чиллаxonалар, ҳатто мадрасалар ҳам бўлганлигини кўриш мумкин.

Ибн Баттутанинг ёзишича Ўрта Осиёнинг ҳар бир шаҳрида жуда кўп азиз авлиёларнинг қабрлари учрайди. Шаҳар жойлардаги авлиёларнинг қабрларига бутун ислом олаmidан зиёратчилар келиб туради. Шу билан бирга, баъзи шаҳарларда фақат маҳаллий аҳоли танийдиган ва тавоф этадиган авлиёларнинг

қабрлари ҳам борлиги айтиб ўтилади [2,52-53]. Бундан кўринадикки, сўфийлик тариқатлари гуллаб яшнаган даврда азиз авлиёларнинг қадамжолари, мазорларини зиёрат қилиш кучайган. Сўфийларнинг зиёрат объектлари аҳоли маънавият марказига айланган.

Марказий Осиё тарихида муҳим ўрин тутган Шошдан инсоният тарихи тафаккурига катта ҳисса қўшган алломалар: Қафқол Шоший, Абу Бакр Шоший, Шайх Умар Боғистоний, Хожа Аҳрор Валий, Абу Сулаймон Банокатий, Ҳофиз Кўҳакий каби буюк алломалар етишиб чиққан [3, 226]. Ўрта асрларда Шош ўзининг бой тарихи, ноёб маданий ва маънавий мероси, анъаналарига эга бўлиб, ўзига хос қурилиш услуби ва меъморчилиги ривожланди. Шаҳар тарихий ёдгорликларидан Қафқол Шоший мақбараси (X-XVI асрлар), Кўкалдош мадрасаси (XIV аср), Бароқхон мадрасаси (XV-XVI асрлар), Хўжа Аламбардор мақбараси (тахм. X аср), Абдулқосим мадрасаси (XIX аср), Юнусхон мақбараси (XV аср охири), Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси (XV аср), Қалдирғочбий мақбараси (XV асрнинг биринчи ярми) ва бошқа ёдгорликлар ҳозирги кунга қадар сақланган [4, 24]. Шу билан бирга, Тошкентда Шибли ота, Зангиота, Чўпонота, Иброҳим ота Саид ота, Ваққос ота, Қўйлик ота, Сузук ота, Чилонзор ота, Яланғоч ота каби азиз авлиёлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам бор.

Ўзбекистон маданий мерос объектларининг ҳолати ва архитектурасини ўрганган тадқиқотчи Р. Абраев Республикада 10 мингдан ортиқ зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар борлигини қайд этади. Унинг фикрича, мазкур объектлардан 7570 таси давлат муҳофазасига олинган бўлиб, уларнинг 2330 таси қадимги архитектура ёдгорликлари, 3945 таси археологик, 1138 таси ҳайкалтарошлик, монументал санъат асарлари, 157 та диққатга савовор жойлар, 7 мингдан ортиқ кўчма маданий мерос объектлари ҳисобланади [5, 35-37].

Тошкент шаҳри бўйича Маданий мерос агентлиги томонидан 354 та маданий мерос объектлари рўйхатга олинган. Шундан: 23 таси археология, 29 таси зиёратгоҳлар билан боғлиқ архитектура ёдгорликлари ва сағаналар, 259 таси замонавий қурилиш архитектураси, 23 таси монументал маданий мерос ёдгорликларидир.

Марказий Осиёда архитектура ёдгорликлари билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг кўпчилиги тасаввуф вакиллари номи билан боғлиқ. Этнолог тадқиқотчи С. Н. Абашин "Марказий Осиёда Сўфийлик авлиёлар культининг шаклланишига ҳисса қўшган омил эканлигини келтиради" [6, 128-131]. Яъни

ўзининг тақвоси, чуқур билими билан машҳур бўлган сўфийлар (муршид, шайх, пир, эшонлар) ҳаёти давомида ёки вафотидан кейин авлиё сифатида ҳурматга сазовор бўлиб, уларнинг қабрлари ибодат объектига айланди.

Тошкентда ҳам ўрта асрларга оид тасаввуф вакиллари номи билан боғлиқ архитектура ёдгорлиқлари ҳозиргача моддий ва маънавий меросимиз сифатида яхши сақланган бўлиб, ўзининг қадимги ҳолати, тароватини йўқотмаган, аҳоли доим борадиган зиёрат объектидир.

Амир Темур авлиё, тасаввуфнинг таниқли вакили Шошда таваллуд топган (? -1258) Занги ота қабри устига XIV асрнинг охирида мақбара бунёд этган. XV асрнинг 20 йилларида Улуғбек даврида безак ишлари амалга оширилган. Мақбара Туркистондандаги Аҳмад Яссавий мақбарасидан олдин қурилган [7, 15-17].

Тошкентдаги энг катта мақбаралардан бири Шайх Зайниддин бобо мақбараси бўлиб, у Кўкча қабристонига жойлашган. Шайх Зайниддин (1164-1259) Қашқадарёнинг Ғузор туманида мақбараси бўлган Сухравардия таълимоти асосчиси Шаҳобуддин Умар Сухравардийнинг (1144-1234) фарзанди бўлиб, диний ва жамоат арбоби сифатида Тошкентга келиб, Тошкентнинг равақ топиши йўлида хайрия ишларини амалга оширган [8:19-21]. Мақбаранинг ҳозирги биноси XIX асрда бунёд этилган. Бу ерда энг қадимги иншоат XII-XIII асрларга оид ер ости чиллахонаси бўлиб, мақбаранинг ғарбий бурчагида сақланиб қолган. Мақбаранинг ҳозирги биноси остидан чортоқ харобалари топилган. Амир Темур XIV асрда дастлабки мақбарани мана шу чортоқ пойдеворига қурдирган. XVI асрда эса яна қайта қурилган [9,25,108]. Мажмуа XII-XIX асрларда шаклланган. Тепасида дарчали минорачаси ва чиллахонаси ҳам бўлган.

Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси (XV аср) Тошкентдаги ўзига хос меъморий ёдгорликдир. Шайх Хованди Тоҳур (Таҳур), Шайхонтоҳур (XIII а. охири, ҳоз. Бўстонлик тумани Боғистон қишлоғи – 1359, Тошкент) – сўфий олим. Шайх Умар Боғистонийнинг ўғли. У тасаввуф илмининг етук номоёндаларидан бири, етук мутасаввуф бўлган. Яссавия тариқати йўлидан борган [10: 272-274]. Хожа Аҳрор Шайх Хованди Тоҳур қабри устига мақбара қурдирган. Ҳозирги мақбара аввалги кўриниши ҳолида XVIII-XIX асрларда қайта қурилган бўлиб, зиёратхона ва гўрхонадан иборат. Хоналар гумбазлар билан ёпилган. Гўрхона гумбази кўшқават бўлиб, 12 қиррали асосга ўрнатилган. Зиёратхона меъморчилиги ўзига хос ҳонақоҳ бўлиб, 8 равоқдан иборат. Кейинчалик атрофига чиллахона,

Юнусхон мақбараси (XV аср) қурилган. Уч масжид биноси, минора, Эшонқули додхоқ мадрасаси сақланмаган [11:563-564]. Мажмуа ўтмишдан ҳозирги кунгача тасаввуф вакили номи билан боғлиқ зиёратгоҳдир. Қадимда байрамларда бу жой сайлгоҳга айланиб кетган.

Тошкентда Қафқол Шошийга атаб, унинг қабри устига архитектура ёдгорлиги бўлган мақбара (XVI аср) қурилган. Абу Бақр Муҳаммад ибн Али ал Қафқал аш Шоший ҳам Шош аҳлидан бўлиб, тавсир, хадис, фикҳ ва тилшуносликда дунё имомларидан. Ҳижрий 291 (милодий 905) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 366 (милодий 977 йилда вафот этган [12:250]. Дастлабки мақбара сақланмаган. Қафқол Шоший мақбараси меъмор Ғулом Ҳусайн томонидан 1541-42 йилларда чорси (25×26×5 см) шаклида пишиқ ғиштдан бунёд этилган. Мақбара чортоқ тархли (13,3×12,5 м), катта хона ва унинг тўридаги сағанали хонадан иборат. Қафқол Шоший мақбараси асосида кейинчалик Ҳазрат Имом мажмуаси вужудга келган [13:607]. Қафқол Шоший Шофийий масҳабининг етакчи олимларидан бири бўлиб, Ҳазрати Имом, яъни Хастимом номи билан машхур бўлган.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, XIV-XV асрларда қурилган архитектура ёдгорликларининг безак ишлари, ранги, мозаикаси ва охори ҳозирги кунга қадар сақланиб қолмоқда. Шу даврдаги қурувчи ва меъморларнинг маҳорати ҳамда табиат билан уйғунликда санъат асарлари даражасида иш қилганлигини кўрсатади.

XVI асрда қурилган меъморий ансамбллар кўриниши ва қурилиш услуби жиҳатидан бир-бирига ўхшаган. Бу бевосита Бухоро ва Қарши меъморчилигининг намунаси ҳисобланади [14:179-180]. Улар аксарияти жануби-шарқ томонга қараб қурилган. Мақбаранинг бош пештоқи "п" симон шаклга эга бўлиб, ичида ҳашам йўқ. Меъморлар баланд-паст тепаликлар манзарасига қиёс қилиб, ўзига хос безак берганлигини кўриш мумкин.

Воҳа зиёратгоҳларининг шаклланиши ва тадқиқи тарихига назар ташласак, мустамлака даврида, яъни 1867 йилда Туркистон қадимий ёдгорликларини ўрганиш учун империя вакили, шарқшунос П. И. Лерх жўнатилган бўлса, генерал Ф. Кауфман томонидан 1871 йилда рухсатсиз қазилар, текширувларни амалга оширмастик бўйича қонун қабул қилинган [15:20-21]. 1895 йилда Тошкентда археология тўғараги, 1916 йилда рус география жамиятининг Туркистон бўлими ташкил этилиши билан тарихий ёдгорликларни рўйхатга олиш ва сақлаш ишлари

бошланди. Собик шўро даврида воҳа ёдгорликларининг расмлари билан проф. Б. П. Денике ва немис олими доктор Кон Винер шуғулланган бўлса, 1920 йил 31 январда МИҚ Туркистондаги музей ишлари ва табиат, санъат, ёдгорликларни сақлаш ишлари Ўрта Осиё кўмитаси (Средазкомстарис) ташкил этилди [16:1-5]. Айнан шу ташкилот томонидан 1923-70 йилларда Ўзбекистон шаҳарларида, жумладан Тошкент шаҳрида археологик экспедициялар олиб борилиб, тарихий-маданий ёдгорликларни топиш, уларни рўйхатга олиш, сақлаш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланади.

2021 йилда Ўзбекистонда Ислом маданияти ривожига катта ҳисса қўшган аллома ва авлиёлар номи билан боғлиқ меъморчилик ёдгорликларига зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида белгиланган вазифаларга кўра 1,7 миллион хорижий, 7,5 миллион маҳаллий сайёҳни жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини 370 миллион долларга етказиш белгиланди. Шу жумладан, Мамлакатнинг зиёрат туризми салоҳиёти имкониятидан фойдаланган ҳолда 700 минг зиёратчини жалб қилиш ва ушбу йўналишда 130 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш бўйича вазифалар қўйилди [17].

Маълумки, Ўзбекистонда бугунги кунда 7-8 мингдан ортиқ тарихий обидалар мавжуд бўлиб, 200 дан ортиғи Юнеско рўйхатига киритилган. Ўзбекистон ислом маданияти билан боғлиқ тарихий обидаларни асраб-авайлаш, обидаларга бой давлат сифатида Жаҳонда 9 ўринда туради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Тошкентда тасавуф алломалари билан боғлиқ архитектура ёдгорликлари қурилиш услуги XIV- XVI асрларга тегишли. Бу даврда мақбаралар ёнида масжид, мадраса, азон айтадиган минора, чиллахоналар, сув соладиган ҳовузлар бўлган. Зиёратгоҳлар аҳоли учун маънавият маскани бўлиш билан бирга, мусофир йўловчилар тунайдиган жой ҳам бўлган. XIV-XV аср қурилиш услугида мозаика, миолика услуги, яъни мақбара деворига ўсимликлар, ҳайвонлар расмлари, нозик безаклар, қуръон оятлари туширилган. XVI аср ёдгорликлари қурилиши услуги "п" шаклда бўлиб, мақбара ичида ҳашам йўқ. Мақбара ичида баланд-паст тепаликларга қиёс қилиб, ўзига хос безак туширилган. Тошкент шаҳрида ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган алломалар қабрларини обод этиб, зиёрат туризми билан боғлиқ зиёратгоҳ сифатида шакллантириш, бу жойларга маҳаллий зиёратчилар, балки хорижий туристларни жалб қилиш, давлатимиз қадим тарихи, маънавияти, маданияти,

гўзал табиатини хорижга кўрсатиш орқали иқтисодиёт ривожига улкан ҳисса кўшиш имконияти яратилади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Джаббаров И., Дресвянские Г. Духи, святые, боги Средней Азии. – Тошкент: Узбекистан, 1993.
2. Иброҳим Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Тошкент: Шарк машъали, 1993.
3. Баҳодиров Р.М. Тошкентлик олимларнинг ўрта асрларда илмлар ривожига кўшган ҳиссаси //“Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2009.
4. Тошкент энциклопедия. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2009.
5. Абраев Р. Ўзбекистонда тоат-ибодат билан боғлиқ архитектура ёдгорликлари хусусида // Имом ал Бухорий сабоқлари. 2015,4-сон.
6. Абашин С. Н. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. 2001. №2.
7. Хожи Саъдуллоҳ Хожи Камолиддин ўғли. Ҳазрати Занги ота ва Анбарбийнинг тарихи. –Т: “Yurist-media” нашриёти, 2010.
8. Эргашов А. Мири Жанда ота мажмуаси. –Т: “Qaqnus media” нашриёти, 2019.
9. Муҳаммадкаримов А., Абидов А., Искандаров З. Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари. –Т: “Navruz” нашриёти, 2016. Тошкент ислом маданияти гавҳари. Фотоальбом. – Тошкент: 2007.
10. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Тарж. Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (1840 й). – Тошкент: “Абу Али ибн Сино”, 2004.
11. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017.-Б. 563-564.
12. Абдулкарим ас-Саъмоний. Насабнома (ал-Ансоб). Тошкент: “Ҳилол нашр”, 2017.-Б. 250.
13. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017.
14. Искусство зодчих Узбекистана. Под. ред. Г. А. Пугаченкова. 4-том. – Тошкент: “Фан”, 1969.

**“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC  
INNOVATIVE RESEARCH”**

**Volume 02. Issue 07. July 2025**

15. ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-рўйхат, 252-иш, 20-21 varaқлар.

16. ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-рўйхат, 123-иш, 1-5 varaқлар

17. Зиёрат туризмини ривожлантириш ва тарғиб этиш борасида жадал қадам//Ўзбек туризм саҳифаси. 2020 йил 28 декабр. <https://uzbektourism.uz/news/view?id=1527>.



**Research Science and  
Innovation House**